

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ОЛМОН ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

**5141400 – ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ВА АДАБИЁТИ (ОЛМОН
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ) ЙЎНАЛИШЛАРИ IV- КУРС
303 - ГУРУХ ТАЛАБАСИ
МУЗРОПОВА ОРЗИНИСА нинг**

R E F E R A T I

Текширди: ХАФИЗОВА З.Р.

Андижон - 2015

**МАВЗУ: СЕҲРЛИ ЭРТАКЛАР . АКА- УКА ГРИММЛАР ЭРТАКЛАРИ
АСОСИДА.**

КИРИШ

I.БОБ. ЭРТАКЛАР ХАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Эртак жанри хусусиятлари.

**II.БОБ. СЕҲРЛИ ЭРТАКЛАР - АКА УКА ГРИММЛАР ЭРТАКЛАР
ХУСУСИДА.**

2.1. Der Fuchs und die Gänse .Тулки билан ғозлар.

2.2.Ein Topf Brei. Бир хурмача шавла.

2.3. Aschenputtel

III. ХУЛОСА.

IV. АДАБИЁТЛАР.

КИРИШ

Бугунги кунда Республикамизнинг асосий тараққиёт тамойилларидан бири бу **“Баркамол авлодни”** тўлақонли қилиб тарбиялашдан иборатдир. Хурматли президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида ёш авлодга ва уларнинг таълим тарбиясига катта эътибор ва ишонч билдирмоқда.¹

Мамлакатимиз йилдан – йилга дунё мамлакатлари ҳамжихатликда турли соҳаларда халқаро алоқаларни кучайтириб бормоқда. Умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб – ҳунар коллежларини битирувчилари ва олий таълимнинг барча йўнашлишлари талабалари олдига ҳозирги кунда хорижий тилларни мукаммал ўрганишни вазифаси қўймоқда.

2012 йил 10- декабрда Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланганидек, 2013 йилнинг 1- майигача бўлган муддатда умумтаълим мактабларининг биринчи синфдан бошлаб чет тиллар таълимини ўзлуксиз жорий этилишини, шунингдек таълимнинг барча босқичларида унинг доимийлигини назарда тутувчи умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб ҳунар ва олий ўқув юр்தларининг ўқув режалари ва дастурлари тасдиқланишини таъминлаши

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Манавият. 2008.- 185,

Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000. -246 б.

таъкидлаб ўтилган.²

Эртактлар халқ оғзаки ижодининг энг қадимий турларидан бири бўлиб ота-боболаримизнинг турмуш тарзи, ватанга муҳаббати, жасорат ва адолатлилик ҳақидаги идеал орзулари ҳаёлий ва ҳаётӣ уйдирмалар достонида ҳикоя қилинади. Халқ томонидан яратилган кўплаб эртактларда болаларнинг ўзига хос ҳаёти четлаб ўтилмаган. Хатто, турли ёшдаги болалар учун жуда кўп махсус эртактлар яратилган.

Эртактнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ҳамиша халқ ҳаёти, кураши, тарихи, руҳий олами, дунёқараши, урф - одатлари билан чамбарчас боғланиши, инсонларга ахлоқӣ ва маънавий йўлдош бўлиб келишидадир. Эртактлар содда ва тушунарли бўлгани учун ҳар қандай китобхонга тез етиб боради. Улар орқали ҳам инсоннинг ижтимоӣ ахлоқ нормалари шаклланади. Бу ҳол, айниқса, ҳайвонлар ҳақидаги эртактларда акс этган.

Эртакт термини қадимий тарихга эга бўлиб, дунёнинг барча тилларида сўзлашувчи халқлар орасида турли хил шаклга эга бўлган.

Айниқса кўплаб эртактлар дунё тилларининг барчасига таржима қилинган ва уларнинг қизиқарли эканлиги, ҳаётӣлиги кўплав авлодлар тарбиясига ижобӣ таъсир кўрсатган.

Олмон эртактшунослари Ака - ука Гриммлар, В.Хауф ва Андерсенс ларни эртактлари дунё тилларининг барчасига таржима қилинган ва дунё болаларининг севимли қахрамонларига айланган.

² *“Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Халқ сўзи газетаси.2012. 10 - декабрь.*

Курс ишининг мавзуси айнан олмон тили сеҳрли эртакларига ва уларнинг таржима масалаларига бағишланганлиги сабабли ҳам долзарбдир, чунки Руспубликамизда бундай тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Адабиётлар рўйхатида асосан проф Х.Рахимовнинг бир неча таржима асарларигина мавжуд³

Эртақшунослик қадимий жанрлардан ҳисобланиб, унинг ўзига хос тили ва услуби мавжуддир. Асосан эртақлар кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланганлиги сабабли унинг тили аниқ, тушунарли ва таъсирчанлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Эртақларнинг турли туманлиги, улардаги образлар талқини барча тилларда ҳам ўхшашлиги тилшунослик ва таржимашунослик нуқтаи назардан назарий ва амалий аҳамиятни ифодалайди. Олмон ва ўзбек тиллардаги лексик грамматик ва лексик стилистик воситаларни таржима жараёнида ифодалаш эртақларни семантизация масаласини аниқ кўрсатиб беради. Турли тизимга кирувчи тиллардаги ўхшаш эртақларнинг мавжудлиги тил ва таффақкур бирлиги масаласи орқали ҳам тушунтирилиши мумкин (М.Э.Умархўжаев)⁴. Шундан хулоса қилиш мумкинки, эртақларнинг таржима масалалари умумий тилшуносликнинг тил ва таффақкур, тил ва жамият каби қатор масалаларига бевосита алоқадор масалалардан ҳисобланади. Мавзунинг тадиқотидан кўзланган амалий мақсад шундан иборатки, унда ишлаб чиқиладиган тавсиялар ҳам таржимонлар ҳам олмон тили ва бошқа хорижий тил ўқитувчилари учун муҳимдир.

Юқоридаги назарий ва амалий масалалардан хулоса қилиб мавзунинг тадиққи қилишдан мақсад ва вазифаларни куйидагича белгилаб олдик.

А). Эртақларнинг ўзига хос хусусиятлари ва эртақлар услубини қиёсий шаклда ўрганиш;

³ CH-Rahimov *Usbekische Volksmärchen. Aus dem Usbekischen Übersetzung. Taschkent, 1990. -40 S.*
F.Keller, CH.Rachimov *Märchen aus Samarkand. Freiburg, 2009-.*

⁴ М.Э.Умархўжаев *Умумий тилшунослик. Андижон, 2010.*

В).Эртаклар матни тахлили ва улардаги лексик грамматик ва лексик стилистик воситаларни аниқлаш;

Д).Олмон тили эртакларини таржима масалаларини қиёсий тахлил қилиш асосида олмон ва ўзбек тилларига хос умумий ва хусусий ҳолатларни аниқлаш.

Бир халқнинг бой меросини ва бадий тафаккурининг етук обидасини бошқа бир халқнинг адабиёти заминига тикламоқ, бинобарин, унинг маънавий ва маданий мулкига айлантирмоқ нақадар мураккаб ҳамда маъсулиятли, олижаноб иш ҳисобланади. Буюк немис ёзувчиларининг ўзбек тилида чуқур нафосат орқали ифодаланган эртаклари ўзбек халқининг маънавий дунёсини бойитади . Олмон адабиёти дурдоналаридан Ака ука Гримм, В.Хауф ва Х.Х.Андерсенс каби эртакшуносларнинг асарлари ўзбек ўқувчиларини жаҳон адабиёти гулшанига олиб кирди.

2.БОБ. ЭРТАКЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

2.1. Эртак жанри хусусиятлари.

М. Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида эртак *этуқ ҳикоя*, деб берилган. *Эртак* эса бирор мақсадни шахсга билдириш, ҳикоя қилиш маъносида қўлланган. Абушқада-эртак, Фарғона водийсининг жанубида «эртанги», Хоразмнинг баъзи жойларида «ворсоқи», Озарбайжонда «нақл», Тожикистонда «афсона», Тошкент шевасида «чўпчак» деб юритилади. Эртаклар ҳақида, В.Я.Пропп шундай дейди: «У ёки бу жанрни аниқлашда асосий уч белгига- унинг поэтикасига, ҳаётдаги ўрнига ва ижро формасига эътибор бериш лозим»⁵.

Фантастика - грекча сўз бўлиб, кенг маънони билдиради. У ўзбек тилида ҳаёт деган маънони англатади. Тилсим-арабча сўз бўлиб, сеҳр-жоду билан

⁵ В.Я.Пропп *Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. Т.1994. 63 б.*

турли ажойиб нарсалар (сирли олма, сирли сув, ойнаи жаҳон, бир газ ёзса, қирқ газ бўлар) нинг намоён бўлишидир. Ҳаёл умумийликни, тилсим хусусийликни билдиради.

Халқ эртаклари ўз хусусиятларига кўра бир неча турга бўлинади: *ҳаётий эртаклар, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, сеҳрли-афсонавий эртаклар, ижтимоий-маиший эртаклар.*

Олмон ва ўзбек халқ эртаклари бадиий прозанинг ёрқин намунаси бўлиб, унда меҳнаткаш халқнинг ҳаёти, уларнинг орзу- истаклари ўзифодасини топган бўлади. Ўзбек халқ эртаклари тарихида Ҳамробиби Умарали қизи, Ҳасан Худойберди ўғли, Хусанбой Расул ўғли, Нурали Нурмат ўғли, Равшан боболарнинг алоҳида хизматлари борлигини таъкидлаш керак. Олмон халқи эртакшунослари Ака ука Гриммлар дунёга машхур эртакшунослардан ҳисобланиб, уларнинг эртакларида олмон халқининг ҳаётий тажрибалари акс этган.

Эртаклар жанр хусусиятларга кўра юқоридаги номлари айтилган турларидан ташқари ҳажвий ва тарихий эртакларга бўлиниши ҳар жиҳатдан характерлидир.

Ҳаётий-маиший эртакларда инсон ҳаётининг турли жабҳалари қаҳрамонлик, дўстлик, вафодорлик ва меҳнатсеварлик фазилатлари улуғланади.

Одатда, машқ рақамлари, маросим ва азаларда маълум «тайёргарлик» босқичидан ўтгач, фольклор матнига ўтади. 3,7,40

рақамлар кўпроқ дафн маросимларига боғлиқ бўлади. «Уч оға-ини ботирлар» - Drei Kameraden- эртагигада уч рақами уч оқшом, уч ходиса, подшоҳнинг уч кизи, уч ака-ука, дастурхондаги таомлардан учтасига таъриф бериш сингари эпизодлар кўзга ташланади.

Биз олмон ва ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодидаги қадимги эътиқодларнинг турли шаклларида алоҳида аҳамиятга молик бўлган рақамларнинг генетик асосига, поэтик функциялари ва қўлланиш қўлламига кўра иккига ажратдик. 1) машқ рақамлари –Übungsziffern, 2) анъанавий рақамлар Traditionelle Ziffern. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг қадимга турларидан бўлган эртақларда қўлланувчи 3,4,5,7,9,40 рақамлари машқ рақамлар ҳисобланади. «Уч оғайни ботирлар» эртагида ҳам шу рақамларнинг ҳикоя мазмунида тез-тез такрорланиши кўзга ташланади: *Уч ака-ука, уч кеча, подшонинг бўйи етган учта қизи, уч ходисанинг содир бўлиши, учта насиҳат, подшо зиёфатида уч хил ибратли ва адолатли гап* учираганинг гувоҳи бўламиз.

Ҳаётий-маиший эртақлардан «Маликаи Ҳуснобод» киши диққатини ўзига алоҳида тортади. Золим подшо *«қарғанинг қағ дегани нимани билдиради. Сизларга 40 кун муҳлат, агар жавобини топа олмасангиз ҳаммангизнинг бошингизни таналарингдан жудо қиламан, - деб дағдақа қилади. Саросимага тушиб қолган вазир ҳамма олиму фузалоларни тўплайди. Шунда уларнинг бирортасидан садо чиқмайди.*

Бу саволга подшонинг гўзалликда тенги йўқ қизи Ҳуснобод жавоб қилади.

Подшо кенжа хотини камбағал бўлгани учун уни доимо камситар эди. Бу унинг гўзал қизи маликаи Ҳуснободнинг қалбида ўчмас из қолдирган эди. Шунинг учун у пайт пойлаб золим отасига жавоб қилишини кутиб юрган эди: «Қарғанинг қағ дегани-эрни бор қиладиган ҳам хотин, уни йўқ қиладиган ҳам хотин», - дейди. Ҳуснобод ўзининг тўғри сўзлиги учун жазоланади, лекин эртак хулосасида ўз тенгига турмушга чиқиб, барча камбағал учун ҳамма шарт – шароитларни яратиб муроду-мақсадига етади. Эртакда воқеа ва ҳодисаларнинг мантиқий боғланиши асосида идеал қаҳрамон характери яратади. Мазкур тугунлар кейин содир бўладиган бутун воқеа-ҳодисаларни ташкил этади. Кўрамизки, мазкур тугунлар асосида экспозициядан маълум бўлиб, эртакнинг бутун йўналишини белгилайди. Бирида асар қаҳрамони учун курашиб муштипар онасини ҳимоя қилса, кейинроқ эса социал-маиший ҳамда синфий қарама-қаршиликлар бахтиёр ҳаёт ҳақида эзгу-умидлар акс этади.

Узоқ ва бой тарихга эга бўлган дунё болалар адабиётининг катта қисмини халқ оғзаки ижоди намуналари ташкил қилади. XVIII аср

ўрталаридан ёзиб олина бошлаган оғзаки адабиёт ёзма адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.⁶

Одатда, эртақлар кўпинча болаларга бағишлаб ёзилади, лекин алдагани бола яхши қабилида иш тутилмайди. Негаки, халқ эртақларини қайта ишлаш, унга замонавий руҳ бағишлаш катта маҳорат ва масъулият талаб этади. Талантли шоир Д.Давлетбоев халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб яратган шеърӣ эртақларида қорақалпоқ халқининг урф-одати, маданияти ва орзу-умидларини ёрқин акс эттира олган. Унинг ёмонликка яхшилик эртагидаги ёвузлик, ҳақсизлик, ҳасадгўйлик қораланиб, меҳнатсеварлик ва эзгулик улуғланади. Бу ғояни шоир қуён, тулки, шоқол, бўрсик, фил ҳамда шерларнинг ўзаро муносабатларини ифодалаш орқали акс эттиради. Ўрта ва катта ёшдаги болаларга мўлжалланган мазкур эртақнинг композицион тузилиши сюжетнинг авж нуқталарига оид воқеалар тасвирининг оҳангдор сўзлардан ташкил топган мисраларда берилиши китобхон диққатини жалб этишга хизмат қилади. Д.Давлетбоев меҳнатсевар, ўз эрки учун астойдил курашувчи кишиларни **қуён** тимсолида, адолатпарварлиги туфайли барчанинг муҳаббатига сазовор бўлган одамларни **фил** образида, ҳийлагар, ҳеч кимга ёрдам қўлини чўзмайдиган текинхўрларни **шоқол, тулки** ва **бўрсик** қиёфаларида гавдалантиради.

Шоирнинг «Ёмонликка яхшилик» эртаги «Биров сени тош билан урса, сен уни ош билан ур» деган мақол билан якунланади.

Яхшиликни, ҳурматни,

⁶ Мақсетов Қ. «Қарақалпақ адабиятының туўысқан халықлар адабиятлары менен байланысы». Нукус. «Қарақалпақстан». 1987, 5-бет.

Ҳайвонлар ҳам билибди.

Бир ўрмонда, далада,

Ҳануз бирга юрибди.

«Ёмонликка яхшилик»,

Қилган етар олқишга.

«Яхшиликка ёмонлик»

Қилган қолар қарғишга.⁷

Яхшилик ва ёмонлик ҳақида болаларнинг тафаккур тарзига мос тушунчалар ифодаси сифатида чиқарилган ушбу ҳаётий хулоса эртақнинг бадиий-эстетик қимматини оширади. Ҳайвонот олами болалар учун ўзига хос дунё. Бола аввало, ҳайвонларнинг ўзига хос ташқи кўринишига қизиқади. Уларнинг яшаш тарзи, феъл-атвори тасвирига инсонларга хос хусусиятларнинг кўчирилиши шу хилдаги асарларнинг ғоявий-эстетик қимматини таъминлайди. Ҳайвонлар фактографик шаклда қаламга олинганида кичкинтойларни бу қадар қизиқтирмаган бўлар эди. Инсонларга хос хислатларнинг ҳайвонлар тимсолига кўчирилиши кичик китобхонларнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурини бойитиши табиий. Д.Давлетбоев *«Тулки билан шоқол»* эртагида уй ҳайвонлари ва паррандалар кушандаси бўлган тулки билан шоқол дўст сифатида тасвирланса ҳам улар орасидаги дўстлик улуғланмайди. Чунки нафс йўлидаги дўстлик узоқ давом этмайди.

⁷ Давлетбаев Д. Жаманлыққа жақсылық. Нукус. «Қарақалпақстан». 1996, 13-бет.

Эртакнинг кейинги эпизодида тулки билан шокол уйқу дори солинган гўштни еб қўлга тушадилар ва қилмиши учун жазоланади.

Муаллифнинг «Тулки билан шокол» эртагида очкўзлик танқид остига олинса, «Бахт ва сахий» эртагида саховат, меҳмондўстлик шарафланади. Аслида, бахт ва саховат мавҳум тушунчалар. Бироқ ижодкор асарда ана шу тушунчалар ҳақида ҳам рамзий мисоллар орқали муайян тасаввур беришга муваффақ бўлган. Мўжазгина эртакда «Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан», «Бахил бой эмас» каби халқ мақолларининг мағзи чақилади. Ж.Қодирбоевнинг «Яхшиликка яхшилиқ» асари қорақалпоқ халқ эртаги асосида ёзилган. Эртакда ҳикоя қилинишича, катта аждар қариб, кучдан қолибди. Вазирлар маслаҳатига кўра кексалик билан боғлиқ бу оғир дарддан фақат гўдак қони қутқариши аён бўлади. Чивин гўдак қонини аждарга олиб бораётганида қалдирғоч унинг тилини суғуриб олади. Натижада чивин тилдан қолади. Орадан йиллар ўтади. Гўдак улғайиб вояга етади. Чинакам баҳодирга айланади. Бир куни ёвуз аждар қалдирғочнинг полапонларини емокчи бўлиб турганида у ёвуз махлукни ўлдиради. Шу тариқа қалдирғоч бир пайтлар инсон боласига қилган яхшилигига яхшилиқ қайтади ва у одамлар билан дўст, иноқ бўлиб яшай бошлайди.

Фантастика – эртакнинг жони ва қони. Буни яхши англаган шоир Х.Уббиниязов «Оқ товук» эртагини яратишда халқ оғзаки ижодидаги фантастик тасвир услубидан унумли фойдаланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фантастик руҳ эртак замиридаги ҳаётийликка асло путур етказмайди.

Эртакда тасвирланишича, кампир ва чол жуда камбағал бўлиб, уларнинг бисотида биттаю-битта товуғи бор экан. Товук оппоқ экан. Бир куни товук йўқолиб қолади. Орадан бироз вақт ўтгач, сеҳргар бола ва қирқта хўрозни эргаштириб оқ товук кириб келади. Бундан хабар топган шоҳ товукларни тортиб олиш учун навкарларини юборади. Ҳақсизликдан норози бўлган сеҳргар бола уларни жазолаб, чол билан кампирга фарзанд бўлади. Чолу кампир бахтли яшаб мурод-мақсадига етади.

Х.Уббиниязов чол билан кампирнинг аянчли аҳволини қаламга олиш орқали ярим кўчманчи қорақалпоқ халқи бошидан кечирган қийинчиликлар маълум маънода тушунча беради:

Кампири билан чоли,
Очилмай сира толеи,
Хорликда умр кўрибди,
Амаллаб кунин кўрибди.
Боққани бой, моли экан,
Уларга олам тор экан.
Золимлар бермай ҳақини,
Бир ташлам нонга зор экан.⁸

Табиийки, эртак мазмуни билан танишган китобхон дилидан ҳозирги фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга иштиёқ уйғонади.

Т.Сейтжанов «Она ҳақида афсона» эртагини яратишда анъанавийликдан биров чекинган. Асар онанинг буюк зот эканлиги ҳақида ўқувчига мурожаат қилиш билан бошланади:

Айланай сендан гул болам,
Қора кўз, ширин сўз болам.
Отангдан сенга насиҳат:
Онанинг қадрин бил болам.⁹

Ушбу шеърӣ мурожаат халқ оғзаки ижодидаги термаларга хос хусусият бўлиб, бахшилар дoston куйлашдан олдин тингловчилар диққатини асосий масалага жалб этишда шу хилдаги тасвир услубидан фойдаланишган.

Эртак даҳшатли уруш тасвири билан бошланади:

Йўқ эмасу бор экан,
Ўшанда замон тор экан,
Элатни бирдан ёв босиб,
Ур йиқит бўлган экан.
Яхшилик борми урушдан,

⁸ Уббиниязов Х. *Ақ таўпқ. Нукус. «Қарақалпақстан». 1996. 21-бет.*

⁹ Сейтжанов Т. Гумис қоқыраў. Нукус. «Қарақалпақстан». 1997. 21-бет.

Одамни одам киришдан,
Сув ўрнига қон оқиб
Бўлмабди сира тўхталиш.¹⁰

Ака ука Гриммларнинг «*Зулмга завол*» эртагида ҳам «Она ҳақида афсона»дагидек анъанавийликдан чекинилганини кузатиш мумкин.

Эртақда тасвирланишича, бир камбағал деҳқон йигит ота-онасидан ёш етим қолади. Кун кечириш учун бойнинг молларини боқишга мажбур бўлади. Золим бой йигитни қаттиқ ишлатади, азоб беради. Бир кун яраланган оқ қуш Ханс исмли ўша йигитдан ёрдам сўрайди. Оққуш тузалгач Хансга сандиқ совға қилади. Сандиқдан тинмай тилла тангалар сочилармиш. Бундан хабардор бўлган бой сандиқни ўғирлайди. Ханс яна оқ қушга мурожаат қилади, қуш унга Tischdeckdich - очил дастурхон тухфа этади. Очил дастурхонни подшоҳ тортиб олади. Кейинги сафар оқ қуш ур тўқмоқ совға қилади ва Ханс ёвуз кучлардан қасос олади. Эртақ Ханснинг ғалабаси билан якун топади. Эртақда очкўзлик, ёвузлик, ҳақсизлик қораланади; дўстлик, эзгулик, адолат улуғланади. Асар композицион жиҳатдан ўзбек халқ эртаги «Ур тўқмоқ»га жуда яқин туради.

С.Аббосовнинг «Фасллар мажлиси» эртаги сюжети қиш, баҳор, ёз, куз фаслларининг мунозараси асосида қурилган бўлиб, фасллар мунозараси болаларбоп тилда, қизиқарли тарзда тасвирланган. Ижодкор табиатда содир бўладиган ҳар бир ҳодисанинг ўзаро боғлиқлигини бола кўз ўнгида намоиш қилишда ташхис ва интоқ санъатидан унумли фойдаланган. Фикримиз исботи сифатида баҳор тилидан айтилган қуйидаги сўзларга эътибор қаратайлик:

Тинглаб кўрдик қишнинг сўзин, –
Деди баҳор ростлаб қаддин, –
Мақтанишдан не фойда бор
Билиш керак ҳар ким қадрин.¹¹

¹⁰ Ўша асар, 21-бет.

¹¹ Аббазов С. *Фасиллердиқ мажлиси. Нукус. «Қарақалтақстан». 1996. 14-бет.*

Драматик вазият кескинлашган бир пайтда Бободехқон маслаҳати эртактаги қарама-қаршилиқни бутунлай бартараф қилади. Натижада фасллар бир-бири билан дўстлашади.

Кўринадикки, муаллиф халқ эртақларининг шаклий анъаналаридан унумли ва ўринли фойдаланиб, оригинал асар ярата олган. Хулоса қилганда, болалар шеърини таракқиётини фольклор таъсирисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Халқ оғзаки ижоди намуналарига хос ёвузликка чексиз нафрат, келажакка ишонч ва умид, ҳаётга муҳаббат, енгил ва қувноқ юмор болалар эртақларининг ютуғини таъминлаган омиллардан биридир.

2. БОБ СЕҲРЛИ ЭРТАКЛАР - АКА УКА ГРИММЛАР ЭРТАКЛАР ХУСУСИДА.

Ака-ука (Якоб 1785-1863, Вилгелм 1786-1859) Гриммлар Маргбург университетида ўқишиб юрган чоғларидаёқ ўрта аср немис тарихи ва маданияти, ҳуқуқ ва мифологияси, халқ оғзаки ижоди ҳамда тил ва адабиёти билан шуғуллана бошладилар.

Ўқиш, ўз устларида қаттиқ ишлаш Ака-ука Гриммлар учун бахт йўли бўлди. Улар аввал Гёттинген, кейинчалик эса Берлин университетининг профессорлари бўлдилар. Якоб немис тили тарихи грамматикасини мифология билан, Вилгелм эса ўрта аср немис адабиёти ва халқ оғзаки ижодини чоғиштирган ҳолда ўргана бошладилар. Немис халқ оғзаки ижодининг гуллаб яшнашига, олам кезишга бир кўприк ясадилар. Ниҳоят, 1812 йилда Ака-ука Гриммлар томонидан яратилган эртақларнинг биринчи жилди «Kinder und Familiemärchen -Болалар ва оилавий эртақлар» юзага

келди. 1815 йилда иккинсхи жилд, 1822 йилда эса ҳар иккала жилдни умумлаштирувчи учинчи жилд босилиб схиқди.

Ака-ука Гриммлар эртакларининг кўпчилиги эртақ айтувчилардан тинглаб, баъзиларини эса деҳқонлар билан суҳбатлашиб ёзиб оладилар. Халқдан олинган эртакларнинг ҳар бири улар томонидан қайта ишланиб, бадий тус олиб яна халққа қайтарилади.

Ака-ука Гриммларнинг уч жилдлик китобларига икки юздан ортиқроқ эртақлар жамланган бўлиб, унда муаллифлар кўпроқ- афсонавий, маиший ва ҳайвонлар ҳақидаги эртақда сахийлик, меҳнатсеварлик, ботирлик каби фазилатлар билан бирга, кўрқоқлар устидан кулиш, дангасалар ва ёлғончиликни қаттиқ қоралаш биринчи ўринда туради. Шхуниси ҳам кувончилики, кўпинча Ака-ука Гриммларнинг эртакларининг асосий қаҳрамонлари шоҳ ва шаҳзодалар эмас, балки камбағал, бева-бечораларнинг ўғил-қизлари, чўпон ёки солдат бўлади. Улар ўзларининг ибратомуз ишлари билан эртақ тингловчида чуқур таассурот қолдиради.

Ақл билан иш кўриш, билимдонлик «Der goldene Gans-Тилла ғоз», «Шишадаги арвоҳ», «Drei Kameraden-Уч ака-ука» эртақларида яхши берилган.

Ака-ука Гриммларнинг дунёга машхур бўлган «*Aschenputtel-Золушка*», «*Schneewittchen- Қор қиз*» эртакларининг қаҳрамонлари ҳаммадан туртки ейдиган, сўкиш эшитадиган ва энг паст ҳолда қийин юмушларни бажарадиган қизлар бўлиб, эртақ давомида ўзларининг ҳалол меҳнатлари, ёқимли сўз ва табассумлари билан бахтиёр бўладилар.

Ака-ука Гриммларнинг «*Der Hase und der Igel-Kyён билан тунпратикан*», «*Der Wolf und der Fuchs-Бўри билан тулки*» асарлари масал жанрига яқин туриши китобхонда катта таассурот қолдиради.

«Der faule Heiss- Ялқов Гейс», «Das Glück von Hans-Ганснинг бахти», «Der tapfere Schneider-Ботир тикувчи», «Der junge Recke - Ёш паҳлавон», «Bremer Stadtmusikanten- Бремен муסיқачилари» каби эртаклари ўзбек болаларининг ҳам севимли асарларига айланиб қолган.

«Der junge Recke - Ёш паҳлавон» эртагидаги ботир образи кичик мактаб ёшидаги болаларда катта қизиқиш уйғотади. У ҳалол, пок инсон. У ростгўйлик, тўғрисўзлик шайдоси. Шу сабабга кўра у йўлида учраган ҳар қандай тўсиқ ва ғовни шошилмай, жасорат ва мардлик билан енгади, мақсадига эришади.

«Der tapfere Schneider- Ботир тикувчи»нинг сюжети кўпчиликка яхши таниш. Қаҳрамон ногаҳон бир нечта пашшани бир уришда нобуд қилиш билан ўзига ўзи ботир, довюраклик тамғаси – шиорини ёзиб елкасига осиб олади. У ўз бахтини, тақдирини синаб кўриш, пешонасида борини қўлга киритиш мақсадида сафарга отланади.

Ботир тикувчи тадбиркор, эпчил-чаққон. Ётиб қолгунча отиб қол қабилида довюраклик билан иш кўриш унга катта шуҳрат келтиради. Пухта-пишиқлиги билан ғорда беҳисоб девлар устидан ғолиб чиқади. Дев кўтариб олган дарахт чохлари устида қуш каби ўтириши, девнинг саволларига кўркмай, усталик билан жавоб бериши асрлар оша китобхонни ҳайратга солиб келмоқда.

Ботир тикувчи учун оғир синов ўрмондаги икки паҳлавон билан «олишув» бўлди. Подшо томонидан икки паҳлавонни мағлуб қилиш вазифасини олган ботир тикувчи таваккал қилиб йўлга тушади. Устиларига тош ташлаш билан улар ўртасида нифоқ чиқаради. Икки жангчи бир-бирини тош билан уриб нобуд қилади.

Ўрмондаги шохдор маҳлукни мағлуб қилган эртақлардаги каби тадбиркор йигит билимдонлик, ўйлаб иш кўриш билан шохдор маҳлук устидан ғолиб чиқади.

Ботир тикувчининг юмшоқ сўзлиги, мулойимлик билан иш кўриши ёсх китобхонда яхши таассурот қолдиради. Уларда ҳам худди ўсха ботир тикувчи каби етук инсонлар бўлишга, ботир, паҳлавон бўлишга ҳавас уйғотади.

Ака-ука Гриммларнинг қайси асарини олманг, ҳаммасида энг аввало, меҳнаткашлик, меҳнатга муҳаббат ғояси илгари сурилади. Иккинчидан, ҳар қандай ҳолда ҳам, ҳар қандай мушкул иш бошига тушганда ҳам ўша қаҳрамон чора қидиради, тадбиркорлик, ишбилармонлик йўлидан боради ва офатдан қутилади. Масалан, «Тулки билан Ғозлар»ни олайлик. Тулки каби хийла ва макр ишлатадиган жонивор бўлмаса керак. Ака-ука Гриммлар унга қарама-қарши қилиб ғозлар образини яратади.

Ғозлар ҳар доим чорасиз – бўш, беғам ҳаёт кечирадилар. Ака-ука Гриммлар вақти келганда ўша боқи беғам ғозлар ҳам сергак, тетик, тадбиркор, ишбилармон бўлиб кетишларини, ҳаётда ўзларини ҳимоя қила

билишларини, олғир, муттаҳам тулкиларни ҳам доғда қолдиришларини мазкур асарда ишонарли тарзда тасвирлаб берганлар.

Тулки ўтлоқда юрган ғозларни емоқчи бўлади. Улар ўлимлари олдидан битта қўшиқ айтиб, сўнгра тулкига ем бўлишларини сўрайдилар. Аммо узундан-узоқ «ға-ға»лари тулкини зерикатиради, унинг тинка мадорини куритади, ахийри ғоз-ўлжадан воз кечишга мажбур бўлади. Қуйида ушбу эртак матнини келтиришни ўринли деб билдик.

Der Fuchs und die Gänse

ТУЛКИ БИЛАН ҒОЗЛАР

Бир куни бир Тулки ўтлоққа келибди. Ўтлоқда ажойиб, семиз-семиз ғозлар сайр этиб юрган экан. Тулки уларни кўриб, жуда севиниб кетибди-да:

- Маза бўлди, ҳозир ҳаммангни ейман! – дебди.

Ғозлар эса:

- Тулкижон, бизларни ема, раҳм қил! – дебд ялинишибди.

- Раҳм қилмиш-а, бўлмаган гап. Ҳаммангни ейман. – деди яна Тулки.

Энди қандай қилиб қутулсак экан деб ўйлаб қолишибди, ғозлар.

Шунда биттаси:

- Тулкижон, ўлиш олдидан битта қўшиқ айтишимизга рухсат бер.

Қўшиқни айтиб бўлганимиздан кейин ҳаммамизни ейсан. Ҳатто ўзимиз қаршингда қатор тизилишиб турамиз, семизроғимизни танлашинг осон бўлади, - дебди.

- Майли, қўшиқ айтинглار айта қолинглар, - дебди Тулки.

Дастлаб битта ғоз қўшиқ айтибди. Унинг қўшиғи мана бунақа узундан узоқ экан: «Ға-ға-ға-ға, ға-ға-ға-ға!»

Ундан кейин иккинчи ғоз жўр бўлибди: «Ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға!...»

Ундан кейин учинчи ғоз жўр бўлибди: «Ға, ға-ға,ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға!!» - деб қўшиқ бошлабди.

Улардан сўнг тўртинчиси хониш қилибди: «Ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға».

Тўртинчи ғоздан кейин бешинчи ғоз ҳам: «Ға-ға-ға, ға-ға-ға», деб қўшиқ бошлабди.

Охири ҳамма ғозлар биргаликда қичқириб: «ға-ға-ға-ға» лашишга тушибдилар: «Ға, ға-ға, ға--ға-ға,ға-ға-ға, ға-ға-ға, ға-ға-ға...»

Қачонки ғозлар қўшиғи тамом бўлса, эртак ҳам тугайди. Шундагина тулки ғозларни ейди.

Бироқ ақлли ғозлар қўшиқни тўхтатишни ўйлашмабди. Улар ҳозир ҳам: «ға-ға-ға, ға-ға-ға», – деб қичқиршиб туришган эмиш.

Бир сўз билан айтганда, ака-ука Гриммлар бир умр кичкинтойларнинг севимли эртакчилари бўлиб қолдилар.

Ein Topf Brei

БИР ХУРМАЧА ШАВЛА

Бор экан, йўқ экан, бир қизча яшар экан.

Қизча бир куни ўрмонга маймунжон олиб келиш учун борди ва у ерда бир кампирни учратди.

- Салом, - деди кампир қизчага.- Менга раҳм этиб, маймунжонингни берсанг-чи!

- Мана олинг бувижон, - деди қизча.

Кампир маймунжонни еб бўлиб:

- Сен менга маймунжонни бердинг, мен ҳам сенга бирон нарса совға қиламан. Мана сенга хурмача, сен фақат шуни айтишинг керак:

- Бир, икки, уч,

Хурмачада шавла пиш.

Шунда у ширин, мазали шавла пишира бошлайди! Шундан сўнг айтасанки:

-Бир, икки, уч,

Пиширишдан кеч.

Шундан сўнг хурмача шавла пиширишдан тўхтайди.

- Раҳмат бувижон, - деди қизча ва хурмачани олиб уйига – онасининг олдига кетди.

Онаси бу хурмачага жуда суюнди.

Меҳнатсиз, оворасиз, ҳаммавақт ширин ва мазали шавла бўлса-ю, тагин нега суюнмасин?

Бир вақт қиз уйдан қаёққадир кетди. Онаси бўлса хурмачани ўз олдига қўйиб:

- Бир, икки, уч,

Хурмачада шавла пиш,- деди.

Хурмача шавла пишира бошлади. Кўп шавла пиширди. Онаси тўйиб-тўйиб еди. Хурмача эса шавлани ҳадеб пишира берди.

- Бир, икки, уч,

Пиширишдан кеч, - дейиш керак эди. Лекин онаси бу сўзни эсидан чиқариб қўйган эди. Хурмача ҳамон шавла пишира берди. Уй ҳам шавлага тўлди, уй олди ҳам шавла, ҳатто кўчалар ҳам шавлага тўлди, у ҳамон тўхтамай, шавла пишира берди. Онаси жуда кўрқди ва қизчасининг олдига югурди. Лекин йўлда иссиқ шавла дарё бўлиб оққани учун ўтиш жуда қийин эди. Яхшиям қизчаси узоқда эмас экан. Қизча кўчадаги воқеадан хабардор бўлиб, дарров уйига югурди. Жуда қийинчилик билан келиб, эшикнинг ҳалқасидан ушлаб очди ва:

- Бир, икки, уч,

Пиширишдан кеч, - деб қичқирди.

Шунда хурмача шавла пиширишдан тўхтади.

Аммо хурмача шундай шавла пиширдик, кимнинг қишлоқдан шаҳарга боришига тўғри келган бўлса, унга бу шавла шаҳарга етгунча кифоя қилар эди.

Ҳеч ким бундан шикоятланмади. Чунки шавла жуда ширин ва мазали эди.

Қуйида Ака ука Гримларнинг эртакларидан лексик грамматик таҳлил учун фойдаландик. Эртақлар асосида машқлар ишлаб чиқилди ва ушбу машқлар асосида эртақлардаги лексик ва грамматик воситаларни аниқ таҳлил қилиш мумкин.

Эртақларни ифодали ўқинг, ўзбек тилига таржима қилинг ва матнда ишлатилган лексик - грамматик воситаларни таҳлил қилинг. Саволларга жавоб беринг.

Эртақларни матнини курс ишида келтириш кўп жой олишлиги сабабли китобдаги бетларини келтириш билан чегараландик:

Aschenputtel

S.5-9

I. Krankheit und Tod der Mutter.

1. Warum starb die Mutter? 2. Was sagte sie ihrer Tochter vor dem Tod?

II. Die Stiefmutter und ihre Töchter.

1. Wann begann für das Mädchen eine ***schlimme Zeit***? 2. Wie waren die Töchter der ***Stiefmutter***? 3. Was sollte das ***Stiefkind*** zu Hause machen?
4. Warum bekam es den Namen „***Aschenputtel***“?

III. Die Geschenke des Vaters für seine Töchter.

1. Was brachte der Vater von der ***Messe***? 2. Wohin ging ***Aschenputtel*** jeden Tag?
3. Was können Sie über ***ein weißes Vöglein*** sagen?

IV. Die Vorbereitungen zum Fest. Hilfe der Vögel. Antwort der Stiefmutter.

1. Wozu stellte der König ein Fest an? 2. Wer wurde dazu eingeladen?
3. Worum bat ***Aschenputtel*** ihre Stiefmutter? 4. Welche Bedingung sollte ***Aschenputtel*** erfüllen? 5. Wie konnte ***Aschenputtel*** alles erledigen? 6. Was sollte ***Aschenputtel*** außerdem machen?

S.9-11

Aschenputtel unter dem Haselbaum. Aschenputtel auf dem Fest. Am zweiten Festtag.

1. Wie erhielt Aschenputtel ein schönes Kleid? 2. Wie verging der Abend im Königsschloß? 3. Wie entwischt Aschenputtel dem Königssohn am Ende des Abends? 4. Was geschah am zweiten Festtag?

S.11-14

I. Am dritten Tag im Königsschloß.

1. Wie war der dritte Festabend? 2. Was verlor ***Aschenputtel*** auf der Treppe?

II. Der Königssohn mit dem Schuh bei dem Vater von Aschenputtel. Die falschen Bräute.

1. Wozu kam der Königssohn zum Vater von ***Aschenputtel***? 2. Wer probierte den Schuh als erste an? 3. Was riet die Mutter? 4. Was machte der ***Königssohn*** mit der ersten

Braut? 5. Warum kehrte er zurück? 6. Wer sollte jetzt den Schuh probieren? 7. Wie zwängte die andere Schwester *den Fuß in den Schuh*? 8. Wie erkannte der Königssohn, dass auch diese Braut eine *falsche* war?

III. Die rechte Braut des Königssohnes. *Die Hochzeit*.

1. Wer probierte den *goldenen Schuh* als letzte? 2. Was rief der Königssohn? 3. Was riefen zwei *weiße Täubchen*? 4. Mit welcher Absicht kamen die *falschen Schwestern* zur Hochzeit? 5. Wie wurden sie bestraft?

ХУЛОСА.

1. Эртақ халқ поэтик ижоди жанрларидан бири хаёт -хақиқати билан боғлиқ бўлиб, фалсафий-таълимий ғоялар ҳамда хаётий проблемалар асосига қурилган, бадиий тўқима ва уйдирма- лардан холи бўлмаган оғзаки хикоялар.
2. Бу жанрнинг юзага келиши ва шаклланиши ибтидоий давр қатламларига кириб боради. Бунда қадимий урф одатлар, маъросимлар хал қилувчи роль ўйнаган. Унинг мустақил жанр сифатида ривож топиши тарихий реал ходисалар, хаёлий шаклда ифодаланган даврдан бошланади. Чунки бу даврда конкрет нарс ва ходисалар уруг, қабила, патриархал муносабатлар билан боғлиқ булган мифологик удум, анъанавий одатлар ўзининг ижтимоий маиший функциясини йўқотиб, кишилар онгида ғаройиблик одатдан ташқари ҳолат касб эта бошлаган.
3. Тарихий типологик жараённинг эртақдаги трансформацияси унинг структурасини ташкил этувчи мотивлар системасини юзага келтирган. Турли хил замон қатламларига доир ахлоқ ва одобнинг намуналари улуғланиб, зулм ва зўрлик қораланади Бинобарин, эртақлар ҳеч вақт бекорчи, эрмак нарсалар эмас улар ҳаммавақт зўр ижтимоий ва тарихий ақамиятга эгадирлар.
4. Эртақлар ҳаёт ҳақиқатини хаёлий ва хаётий уйдирмалар асосида тасвирлаганлиги, тилсим ва сеҳр воситаларига асослани-

ши, воқеа ва ҳаракатларнинг ажойиб-ғаройиб ҳолатларда кечи-
ши, қаҳрамонларнинг ғайритабиий жасорати билан фольклор-
нинг бошқа жанрларидан фарқ қилади. Унинг ўзига хос жанр
хусусиятлари, белгилари ўзбек эртаклари асосида бир қатор ишларда
ёритилган.

5. Олмон эртакшуносларининг кўплаб эртаклари ўзбек ўқувчилари учун
хам таниш бўлиб уларни асосан ўзбек тилига адабиётимиз
жонкуярлари, болалар ёзувчилари таржима қилишган. Олмонлар
руҳини ўзбек ўқувчиларига ишончли, тушунарли бериш таржимонлар
махорати билан узвий боғлиқдир.

6. Таржама қилинган кўплаб эртаклардаги лексик грамматик ва
лексик стилистик воситаларнинг қўлланилиши эртакларни ўқувчи она
тилисида жонли, таъсирчан чиқишига сабаб бўлади.

Айниқса маиший ва сеҳрли эртаклардаги тўқима обоазлар хайвонлар,
қушлар, бойлар, камбағаллар, ақилли кишилар, аҳоқлар, ёш болалар,
чоллар ва кампирлар образлари орқали ифодаланади ва бу
образларнинг мажозий маънода ишлатилиши ўқувчиларни диққатини
тортади ва эртак ғоясини тушунишга ҳаракат қилади.

7. Эртаклардаги ижобий образлар ўқувчиларни ижобий шахсларга
тақлид қилишга ундаса, салбий образларга нисбатан уларнинг нафрати
уйғонади, яхшилик сари интилишга ҳаракат қилади, ёмонликдан
узоқроқ юришга интилади. Демак эртаклар асосан ўқувчиларни
маънавиятини бойитадт, таффақурини ўткирлайди, билим
доирасинимустаҳкамлайди, кенгайтиради.

8. Эртакларнинг бадиий таржимаси асосида тавсия қилинаётган
машқлар типологияси улардаги мазмунни аниқ ва тўла тушуниб

олишга имкон беради ва эртақнинг лексик ва грамматик ҳамда стилистик жihatдан тахлили ўқувчилар билимини чуқурлаштиради, коммуникатив нутқ кўникмаларини такомиллаштиради.

АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Манавият. 2008.-185 б
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент: Узбекистон Миллий энциклопедияси, 2000. -246 б.
3. “Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Халқ сўзи газетаси.2012. 10 - декабрь.
4. СН-Rahimov Usbekische Volksmärchen. Aus dem Usbekischen Übersetzung. Taschkent, 1990. -40 S.
5. F.Keller, СН.Rachimov Märchen aus Samarkand. Freiburg, 2009-.
6. М.Э.Умархўжаев Умумий тилшунослик. Андижон, 2010.
7. В.Я.Пропп Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. Т.1994. 63 б.
8. Даўлетбаев Д. Жаманлыққа жақсылық. Нукус. «Қарақалпақстан». 1996, 13-бет.
9. Мақсетов Қ. «Қарақалпақ адабиятының туўысқан халықлар адабиятлары менен байланысы». Нукус. «Қарақалпақстан». 1987, 55 б.
10. Сейтжанов Т. Гумис қоқыраў. Нукус. «Қарақалпақстан». 1997. 121 б.
- 11 . Уббиниязов Х. Ақ таўпқ. Нукус. «Қарақалпақстан». 1996. 91 б.
12. Аббазов С. Фасиллердиқ мажилиси. Нукус. «Қарақалпақстан». 1996. 14-бет.
- К.Имомов ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди Т-1990.197-201-бетлар.
- М.Жўраев. «Ўзбек халқ эртақларида «Сехрли рақамлар» Т.-1991 йил. 18-21-бетлар.

15. М.Жумабоев. Ўзбек ва Чет эл болалар адабиёти. Т.-2002
й. 12-33 бетлар.
 16. К.Имомов. «Ўзбек халқ прозаси» «Фан» 1981 йил. 25-27-
бетлар.
 17. Г.Саломов "Таржима назариясига кириш" Тошкент "Ўқитувчи"
1978 йил
 18. Г.Саломов "Тил ва таржима" (Бадиий таржиманинг умумфилологик
ва баъзи лингвистик масалалари) Тошкент "Фан" 1996 йил.
 19. О.Жуманиёзов "Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари"
Тошкент "Фан" 1987 йил. 89 б.
 20. Л.С.Бархударов "Язык и перевод" Москва,1975.187 с.
 21. М.И.Звильин "Sprache und Übersetzung" М.1982. 178 с.
 22. Владимирова Н. Некоторые вопросы художественного перевода
с русского на узбекский язык. Т. Фан. 1997, 153 с.
 23. Влахов Ф. Флорин С. Непереводимое в переводе. М. Прогресс.
1978.278с.
 24. Комилов Н.К. Бу қадимий санъат. Т. Ғ.Ғулом ном. Нашр.1981.158 б.
 25. Мусаев К.М. Лексико-фразеологические вопросы перевода.
Т.Ўқитувчи 1978. 97 б.
 - 26.Фёдоров А.В.Основы общей теории перевода.М. Высшая школа
1980.378с
 - 27.Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. М. 1978.163 с.
 28. Мусаев К.М. Таржима ва нутқ маданияти. Т. Ўқитувчи. 1976.83 б.
 - 29.Нурмуродов Й. Ўзбек – немис фольклор алоқалари. Т. 1999. 122 б.
- Интернет сайтлари:

www.ziyonet.uz.

www.nuu.uz.

www.gov.uz.

www.demoscope.ru www.

dmo.econ.msu.ru

6. www.undp.org/popin/popin.html

Қўшимча адабиётлар.

1.G.Pan Deutsche Stilistik. Taschkent, 2010, -279 S.

2.Каримов Ш.К. Диллардан дилларга. Т.1979. 183 б.

3.Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975 298 с.

4.L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2005. 158 с.

5.E.Risel, E.Schendels Deutsche Stilistik. M.,1975, 314 S.

6. Brüder Grimm ASCHENPUTTEL Inter Nationes, 1990-115 S.